

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**


СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2019 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

Термиз – 2020 йил

SURXONDARYO VILOYATI



СЎЗ БОШИ

Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси Сурхондарёнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, иктисодиёт тармоқлари ва худудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2019 йил январ-декабр ойлари якунлари бўйича Сурхондарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2019 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисбот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иктисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Сурхондарё вилоятининг иктисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иктисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайтаишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йигиши ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иктисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, ҳалқаро статистика амалиётига мувофиқ, иктисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иктисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий мақроиктисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иктисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистика ахборотномасида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР	7-8
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	9-14
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	9-10
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби	11-14
II. САНОАТ	15-29
Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари	15-28
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	29
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	30-40
Ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар ва хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	30-31
Ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари	32-35
Ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари	36-40
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	41-56
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	41-42
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	43-49
Асосий капиталга хорижий инвестициялар	50-51
Тураг жойлар ва ижтимоий обьектларни ишга тушириш	52-53
Қурилиш ишлари	54-56
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	57-69
Иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалар	57-61
Ҳудудлар кесимида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар	62-63
Муддати ўтган кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар	64-69
VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК	70-85
Кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	70-83
Иқтисодиёт тармоқларида ўтказилган кузатув натижалари	84-85
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ	85-99
Корхона ва ташкилотларнинг сони вилоят миқёсида	85-88
Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар	89-90
Янги ташкил этилган юридик шахслар	91-93
Тизкорат корхоналари	94
Хорижий капитал иштироқидаги корхоналар	95-97

Номи	бет.
Оилавий корхоналар	98-99
VIII. ХИЗМАТЛАР	100-107
Хизматлар соҳасида фаолият қўрсатаётган корхона ва ташкилотлар	100
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	101-104
Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш	105-107
IX. ТРАНСПОРТ	108-110
Транспорт соҳасида фаолият қўрсатаётган корхона ва ташкилотлар	108
Юк ва йўловчи ташиш ҳамда айланмаси	109-110
X. ИСТЕММОЛ БОЗОРИ	111-119
Ҳудудлар кесимида чакана савдо айланмаси	111-115
Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси	116
Улгуржи савдо товар айланмаси	117-119
XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	120-125
Вилоятнинг МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида ташқи савдо айланмаси	120-123
Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти	124
Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти	125
XII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ	126-137
Вилоятнинг худудлари бўйича доимий аҳоли сони	126-127
Аҳолининг табиий ҳаракати	128-129
Никоҳлар ва ажралишлар	130
Аҳоли миграцияси	131-132
XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	133-134
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	133-134

Қисқартма ва шартли белгилар

яҳм	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўклиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гаектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3).....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м	—	метр			

Асосий иқтисодий күрсаткичлар
2019 йил январь-декабрь

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	22349,3	106,3
Саноат маҳсулоти	4402,8	109,3
Истеъмол товарлари	1662,5	111,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	18322,3	104,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	12232,4	148,8
Қурилиш ишлари	3959,7	120,6
Юқ айланмаси (млн. тн-км)	994,4	109,2
Йўловчи айланмаси (млн.йўловчи-км)	6089,9	103,5
Чакана товар айланмаси	10989,5	109,9
Хизматлар, жами	7469,2	111,5
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	572,8	97,5
Экспорт	240,6	125,5
Импорт	332,2	83,6
Сальдо (+;-)	-91,6	x

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича вилоятнинг
Республикадаги улуши**


	Ўзбекистон Республикаси		Сурхондарё вилояти		Сурхондарё вилоятининг Республикада улуши фоизда	
	млрд. сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	млрд. сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	2018 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	2019 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	511 838,1	105,6	22 349,3	106,3	4,4	4,4
Саноат маҳсулоти	331 006,6	106,6	4 402,8	109,3	1,3	1,4
Истеъмол товарлари	111 494,3	112,1	1 662,5	111,9	1,5	1,5
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари	224 288,8	102,5	18 322,3	104,6	7,9	8,2
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	189 924,3	133,9	12 232,4	148,8	5,8	6,4
Курилиш ишлари	68 854,4	119,0	3 959,7	120,6	5,6	5,8
Чакана савдо товар айланмаси	164 184,0	107,9	10 989,5	109,9	6,7	6,7
Хизматлар, жами	190 356,0	112,5	7 469,2	111,5	3,9	3,9
Экспорт (млн. <i>АҚШ.</i> долл)	17 901,7	128,0	240,6	125,5	1,4	1,3
Импорт (млн. <i>АҚШ.</i> долл)	24 276,1	124,9	332,2	83,6	2,0	1,4

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 22349,3 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 6,3 % га ўсди. ЯҲМ дефлятори индекси 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 118,1 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) - миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқарии фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқарии усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соғ солиқлар йигиндиси орқали ҳисобланади.

Январь-декабрда ЯҲМ нинг физик ҳажми ва дефлятори индекслари динамикаси қўйидаги маълумотлар билан ифодаланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да):



ЯҲМ индекс-дефлятори – ҳудуд иқтисодиётида нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (амалдаги нархлардаги жорий давр ЯҲМ) реал ЯҲМ га нисбатининг тавсифи.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 8597,2 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,0 фоизни ташкил этди.

Ялпи ички (худудий) маҳсулот
2019 йил январь-декабрь ҳолатига

	ЯИМ (ЯҲМ)		Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)	
	млрд. сўм	ўсии суръатлари, %	минг сўм	ўсии суръатлари, %
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	511 838,1	105,6	15 242,0	103,6
Қорақалпогистон Республикаси	18 735,7	106,8	9 944,1	105,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	32 897,2	106,5	10 621,6	104,5
Бухоро	26 695,0	106,1	13 980,1	104,4
Жиззах	15 211,9	105,9	11 126,3	103,7
Қашқадарё	36 470,1	101,4	11 233,3	99,4
Навоий	36 685,2	105,2	37 119,5	103,4
Наманган	23 239,0	107,0	8 353,6	104,8
Самарқанд	37 593,9	104,1	9 793,9	101,9
Сурхондарё	22 349,3	106,3	8 597,2	104,0
Сирдарё	10 477,7	103,6	12 500,3	101,7
Тошкент	50 117,8	104,1	17 164,2	102,7
Фарғона	32 943,3	105,4	8 861,5	103,6
Хоразм	19 136,5	107,7	10 337,4	105,9
Тошкент ш.	74 527,6	110,5	29 331,2	108,1

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда.

2019 йил январь-декабрь ҳолатига кўра ЯҲМнинг юқори ўсиш суръатлари Тошкент шахри (110,5 фоиз), Хоразм (107,7 фоиз), Наманган (107,0 фоиз), Қорақалпоғистон Республикасида (106,8 фоиз), Андижон (106,5 фоиз), Сурхондарё (106,3 фоиз), Бухоро (106,1 фоиз), Жиззах (105,9 фоиз) вилоятларида кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларининг республика даражасига (105,6 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичлари Фарғона вилоятида (105,4 фоиз), Навоий (105,2 фоиз), Самарқанд ва Тошкент вилоятларида (104,1 фоиз), Сирдарё (103,6 фоиз), Қашқадарё (101,4 фоиз) вилоятларида кузатилди.


**2019 йилнинг январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича
ЯҲМнинг ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланган таркиби**

	<i>Млрд. сўм</i>		<i>Физик ҳажм индекси, % да</i>	<i>ЯҲМ ўсишидаги ҳиссаси, %</i>
	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>		
ЯҲМ - жами	17 802,0	22 349,3	106,3	6,3
шу жумладан:				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	17 273,3	21 468,7	106,2	6,2
кишлоп, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9 189, 6	10 938,0	104,6	2,4
саноат	1 204,4	1 699,1	109,3	0,7
курилиш	1 262,5	1 736,6	120,6	1,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 761,0	2 107,7	105,9	0,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	842,5	930,8	104,1	0,2
бошқа хизмат тармоқлари	3 013,3	4 056,5	104,9	0,8
Маҳсулотларга соғ соликлар	528,7	880,6	108,8	0,3

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми

ЯҲМ умумий ҳажмининг 96,1 % ини ташкил этди ва 6,2 % га ўсди (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 6,2 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 3,9 % ни ташкил этди ва 8,8 % даражасида ўшиш қайд этилди (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,3 ф.п.).

2019 йил январь-декабрь учун ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўшиш суръатлари, %да




ЯҲМ ўшиш суръатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги энг катта таъсир кўрсатди (50,9 ф.п) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-декабрига нисбатан 4,6 % га ўсди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 9,8 % га, қурилиш – 8,1 % га, саноат – 7,9 % га, ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,3 % га ва бошқа хизматлар – 6,1 % га ўсди.

2019 йилнинг январь-декабрь якунларига кўра, қурилиш тармоғида ҳам 20,6 % даражасида ижобий ўшиш суръати кузатилди. Мазкур тармоқдаги ўшиш суръати ҳисобидан ЯҲМ нинг 1,5 ф.п. ўсиши таъминланди.

Саноат тармоғининг ўсиш суръатлари 9,3 % ни ташкил этди. ЯҲМ нинг мутлоқ ўсишида саноат тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,7 ф.п. даражасида баҳоланди.

Январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби



2019 йилнинг январь – декабрида ЯҲМ таркибида саноат (қурилишни қўшган ҳолда) соҳасининг улуши 16,0 фоизни ташкил қилди, бу эса 2018 йилнинг январь – декабрига нисбатан 1,7 пунктга кўпdir (31,1 фоиз). Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 20,4 пунктга, хизмат қўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 1,5 пунктга камайган, лекин ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа хизматининг улуши 0,1 пунктга ўсади.

Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ тармоқлари таркибидаги улуши 2019 йил январь – декабрида – 9,8 % ни (2018 йил январь – декабридаги – 10,2 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,3 % ни (2018 йил январь – декабрида – 4,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,0 % ни (2018 йил январь – декабрида – 17,4 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2018 йил январь-декабрь



2019 йил январь-декабрь




- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 4 трлн. 402,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 109,3 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитациялаш - 134,0 %, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш - 15,2 % га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш - 8,3 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат - 7,5 % га ўсиши ҳисобланади.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби




Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш.

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажми 240,2 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 5,5 % ни ташкил этди.


Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қўммир қазиб олиш - 1,3 мартаға, чақиқ тош - 20,0 % га, ош тузи - 27,6 % га ошди, хом нефт (97,4 %) пасайган.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш


2018-йил январь-декабрида ишлаб чиқарилган	Тоғ - кон саноати ва очиқ конларни ишлаш маҳсулотлари	2019-йил январь-декабрида ишлаб чиқарилган	Ўсиш суръати, %
--	---	--	-----------------------




Нефт қазиб олиш, минг т.



Күмір қазиб олиш, минг т.



Чақық тош қазиб олиш, минг т.




Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3 трлн. 850,9 млрд. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 87,5 % ини ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг улуши - 0,1 % ни (2018 йил январь-декабрь ойларида - 0,3 %), ўрта-юқори технологияли - 0,4 % ни (0,3 %), ўрта-кўйи технологияли - 24,3 % (22,2 %) ни ва кўйи технологияли - 62,7 % (64,9 %) ни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби

2018 йил январь-декабрь



2019 йил январь-декабрь



Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 38,8 % (2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш 106,5 %) ни, озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 29,4 % (97,5 %) ни, машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, ярим притсеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳаси - 6,7 % (118,4 %) ни, ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш - 3,1 % (107,0 %) ни, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш - 0,4 % (108,4 %) ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш саноатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиширганда бир қаватли ип (тикув ипларидан ташқари) - 7,5 марта, қурилиш учун қоришмалар ва аралашмалар - 3,0 марта, қуйиш учун тайёр бетон - 1,5 марта, бошқа ип газламалар - 1,5 марта, узум винолари - 1,3 марта, ош тузи - 1,3 марта ва ун - 23,8 % га ошди.

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2018-йил январь-декабрида ишлаб чиқарилган	Ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари	2019-йил январь-декабрида ишлаб чиқарилган	Ўсиш суръати, %
Пахта толаси, минг т.			
67,6		13,7	20,3 
Тозаланган қунгабоқар ёки масхар ёғи, минг т.			
0,0		206,0	- 
Ун, минг т.			
101,1		125,1	123,8 
Ароқ, минг л.			
1902,8		1552,2	81,6 
Дизел ёқилғиси, минг т.			
11,8		9,9	83,9 

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 245,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 5,6 % ни) ташкилэтди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида газсимон ёқилғи ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан - 2,5 мартаға, электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш, буғ билан таъминлаш тизимлари ва ҳавони кондициялаш - 13,2 % га ошганлиги кузатилди.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2018 йил январ-декабрида ишлаб чиқарилган	Ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари	2019 йил январ-декабрида ишлаб чиқарилган	Ўсиш суръати, %
Электроэнергия, млн. кВт/с			
1,9		3,1	161,2 
Иссиқлик энергияси, минг Гкал			
73,0		66,3	90,8 

Сув билан таъминлаш, канализатсия тизими, чиқиндилярни йиғиши ва утилизатсия қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализатсия тизими, чиқиндилярни йиғиши ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 65,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,5 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан газсимон ёнилгини қувурлар орқали тақсимлаш бўйича хизматлар 1,7 мартаға, оқава сувларни йўқотиши, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар - 1,6 мартаға, бошқа ахлатхоналарда хавфсиз чиқиндилярни йўқотиши бўйича хизматлар - 1,6 мартаға, хавфсиз чиқиндилярга бутунлай йўқотиши учун ишлов бериш бўйича хизматлар - 1,6 мартаға, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматлари -

17,9 % га, электр энергиясини сотиш бўйича хизматлар 29,8 % га ошганлиги, таркибида қора металлар бўлган иккиламчи хом ашё (иккиламчи хом ашё материаллари) (68,8 %) камайганлиги кузатилди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиши ва утилизация қилиш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2018 йил январь-декабрида ишлаб чиқарилган	Ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-декабрида ишлаб чиқарилган	Ўсиш суръати, %
--	--	--	--------------------

Таркибида қора металлар бўлган иккиламчи хомашё, минг тонна

13,1



9,0

68,8



Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млрд.сўм

2,2



3,7


166,2



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишиниқўллаб-куватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 1662,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 11,9 % га ўсиши таъминлади, жами саноатдаги улуши эса 37,8 % ни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби ва ўсиши суръати



2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 47,2 % дан 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 51,3 % га ошди, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 52,8 % дан 48,7 % га пасайғанлиги кузатилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 4,9 % ни (2018 йил январь-декабрь ойларида 6,9 %) ташкил этди.

Худудлар бўйича 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида истеъмолтоварлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан улуши, %	2018 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш, %
Сурхондарё вилояти	1662,5	100,0	111,9
Термиз ш.	296,8	17,8	110,0
туманлар:			
Ангор	55,9	3,4	113,9
Бойсун	51,5	3,1	111,9
Денов	327,5	19,8	106,9
Жарқўргон	142,9	8,6	121,3
Қумқўргон	59,6	3,6	113,7
Қизириқ	42,8	2,6	115,6
Музработ	33,5	2,0	114,3
Олтинсой	72,2	4,3	117,5
Сариосиё	86,4	5,2	110,5
Термиз	110,4	6,6	103,3
Узун	58,3	3,5	113,3
Шеробод	88,6	5,3	91,4
Шўрчи	236,1	14,2	129,4


Чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар махсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар томонидан 782,0 млрд. сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди.


Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 17,8 % ни ташкил этди.

Чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар махсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, %

2019 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



Хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар
Бошқа корхоналар

Хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотларнинг барчаси ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) корхоналар томонидан амалга оширилди.


Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариши

Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Термиз шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,8 %), Жарқўрғон (21,1 %), Денов (13,1 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.


Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариши

	Млрд. сўм	2018 йил январ-декабрга нисбатан ўсиш, %
Сурхондарё вилояти	4402,8	109,3
Термиз ш.	826,4	111,3
туманлар:		
Ангор	114,1	100,3
Бойсун	80,7	114,4
Денов	575,0	112,3
Жарқўргон	930,4	113,9
Кумкўргон	208,2	93,8
Қизириқ	137,4	102,6
Музработ	92,7	102,5
Олтинсой	84,3	112,9
Сариосиё	342,7	107,7
Термиз	146,7	108,4
Узун	128,7	93,1
Шеробод	334,6	168,5
Шўрчи	400,9	100,1

2019 йил январь-декабрь ойларида худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси




Сурхондарё вилояти ишлаб чиқариш ҳажмида худудлар саноат маҳсулотларининг улуши, % да



Худудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида, Шеробод (2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 168,5 %), Бойсун (114,4 %), Жаркўргон (113,9 %), Олтинсой (112,9 %) туманларида сезиларли даражада саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси ошишига имкон берди.

Шу билан бирга, истеъмол товарлари ҳажмини Шурчи (2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 129,4 %), Жаркўргон (121,3 %), Олтинсой (117,5 %), Кизириқ (115,6 %), Музработ (114,3 %) ва Ангор (113,9 %) туманларида сезиларли даражада ошиди.

2019 йил январь-декабрь ойларида худудлар бўйича истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиши қўрсаткичлари



Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиш таҳлили Термиз шаҳрида (5656,3 минг сўм), Жарқўрғон (4317,6 минг сўм), Шўрчи (1947,2 минг сўм), Шеробод (1751,8 минг сўм), Сариосиё (1679,0 минг сўм), Денов (1512,8 минг сўм) ва Термиз (1355,8 минг сўм) туманларида анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Вилоят бўйича аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 639,5 минг сўм бўлган ҳолда, Термиз шаҳрида - 2031,2 минг сўмни, Шўрчи туманида - 1146,6 минг сўмни, Термиз туманида - 1020,5 минг сўмни, Денов туманида - 861,6 минг сўмни ва Жарқўрғон туманида - 663,0 минг сўмни ташкил этди.

2019 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, минг сўм


	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол товарлари
Сурхондарё вилояти	1693,7	639,5
Термиз ш.	5656,3	2031,2
туманлар:		
Ангор	871,3	427,1
Бойсун	680,0	434,5
Денов	1512,8	861,6
Жарқўрғон	4317,6	663,0
Қумкўрғон	864,1	247,6
Қизириқ	801,0	249,1
Музработ	662,8	239,5
Олтинсой	483,4	414,2
Сариосиё	1679,0	423,5
Термиз	1355,8	1020,5
Узун	746,4	337,9
Шеробод	1751,8	464,1
Шўрчи	1947,2	1146,6

Шу билан бирга, истеъмол товарларининг энг катта улуши Денов туманига (вилоят истеъмол товарларининг 19,8 %), Термиз шаҳрига (17,8 %) ва Шўрчи (14,2 %) туманига тўғри келди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 2 трлн. 331,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 53,0 % ни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да




Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Бойсун (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Олтинсой (99,9 %), Узун (99,1 %), Қизириқ (94,8 %), Термиз (88,7 %) ва Ангор (82,7 %) туманларида кузатилди.

Шу билан бирга, энг кичик улуш Шеробод (26,9 %), Жаркўргон (36,3 %), Шўрчи (39,1 %) туманлари ва Термиз шаҳрида (34,6 %) кузатилди.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари


Бугунги кунда вилоятда 2659 та корхона фаолият юритмоқда, шундан 549 таси (фаолият юритаётган корхоналар умумий сонининг 20,6 %) Термиз шаҳрига, 304 таси (11,4 %) Денов туманига, 190 таси (7,1 %) Термиз туманига ва 189 таси (7,1 %) Жаркўргон туманига тўғри келмоқда.

Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик (2020 йил 1 январь ҳолатига)



2019 йил январь-декабрь ойларида вилоятда 987 та янги саноат корхоналари ташкил этилди, уларнинг 19,1 фоизи Термиз шахри, 12,8 фоизи Денов туманига, 7,7 % Жаркўргон туманига ва 7,1 % Термиз туманига тўғри келади.

Янги ташкилэтилгансаноаткорхоналари сони, бирлик (2020 йил 1 январь ҳолатига)



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 14 та лойиҳа бўйича 56,4 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 270,3 минг АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 271 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўтган йилнинг мос даври билан таққослагандага 2019 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган иш ўринлари сони 90,3 мартаға ошди. Шу билан бирга, 2019 йил январь-декабрь ойларида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорти йўлга кўйилди.


Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

	2018 йил январь-декабрь	2019 йил январь-декабрь
Лойиҳалар сони, бирлик	10	14
Корхоналар сони, бирлик	9	14
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	0,6	56,4
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, минг. АҚШ долл.	-	270,3


III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 18322,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 104,6 фоизни, шу жумладан, 17980,2 млрд. сўм дехқончилик ва чорвачиликда, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 143,2 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 148,7 млрд. сўмни (101,6 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 50,2 млрд. сўмни ташкил қилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар кесимида



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми худудлар кесимида тақсимланиши
(вилоят ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)




Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(фоиз ҳисобида)




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 74,4 фоизи дехкон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 22,2 фоизи фермер хўжаликларига ва 3,4 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келмоқда.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича худудлар кесимида тақсимланиши
(фоиз ҳисобида)**



Дехқончилик. 2019 йилнинг январь-декабрида дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9460,4 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 108,1 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 53,6 фоизни ташкил этди.

**Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(фоиз ҳисобида)**



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 57,7 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 37,8 фоизи фермер хўжаликларига ва 4,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган асосий турдаги дехқончилик маҳсулотлари


	Барча турдаги хўжаликлар	шу жумладан							
		фермер хўжаликлири		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлири		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар			
		минг тонна	ўсиш суръати, %да	минг тонна	ўсиш суръати, %да	минг тонна	ўсиш суръати, %да	минг тонна	ўсиш суръати, %да
Дон экиnlари	630,5	115,9	452,9	117,9	122,4	98,6	55,2	153,8	
Картошка	312,5	102,1	15,1	93,6	296,1	103,0	1,3	48,1	
Сабзавотлар	976,7	106,9	148,4	147,1	809,9	101,9	18,4	102,2	
Полиз	281,5	112,6	72,8	160,3	207,1	101,8	1,6	149,8	
Мева ва резаворлар	157,9	102,1	50,0	100,2	106,4	103,2	1,5	95,5	
Узум	94,8	103,2	48,7	117,7	42,3	88,6	3,8	138,0	

Ҳосил йигими. 2019 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 630501 тонна дон ва дуккакли дон экиnlари (115,9 фоиз), 312455 тонна картошка (102,1 фоиз), 976739 тонна сабзавот (106,9 фоиз), 281497 тонна полиз (112,6 фоиз), 157926 тонна мева (102,1 фоиз) ва 94833 тонна узум (103,2 фоиз) етиштирилди.




Барча худудларда дәхқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дәхқон ва фермер хўжаликлари хисобига бўлиб, дон экинлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 91,2 фоизни, картошка 99,6 фоизни, сабзавот 98,1 фоиз, полиз 99,4 фоизни, мевалар 99,1 фоиз ва узум ишлаб чиқаришда 96,0 фоизни ташкил этди.

Асосий турдаги дәхқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши




2019 йил январ-декабр ойларида худудлар кесимида асосий турдаги дәхқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг тонна)



■ Дон екинлари ■ Картошка ■ Сабзавотлар





Чорвачилик. 2019 йилнинг январь-декабрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 8339,8 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 101,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 46,4 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 186,5 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-декабрга нисбатан 1,3 фоизга кўп), 867,3 минг тонна сут (2,7 фоизга кўп), 532,7 млн. дона тухум (14,9 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.




2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари

	Барча турдаги хўжаликлар	шу жумладан							
		фермер хўжаликлари		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар			
		минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да
Гўшт, тирик вазнда		186,5	101,3	8,8	121,3	176,4	100,5	1,3	101,0
Соғиб олинган сут		867,3	102,7	19,3	125,0	844,7	102,3	3,3	104,5
Тухум, млн.дона		532,7	114,9	76,4	79,1	238,2	98,0	218,1	175,8
Жун, тонна		2507	109,0	311	107,6	2128	108,9	68	119,3
Қоракўл тери, дона		11753	106,3	2482	98,3	5088	115,8	4183	101,0
Пилла, т		1627,0	107,3	743,3	68,6	-	-	883,7	2,0 м.


2019 йил январь-декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби

(ишлаб чиқарии умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуси 99,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 59,1 фоизни ташкил этди.

2019 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби



2020 йил 1 январь ҳолатига 2019 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,2 фоизга (жами 974,0 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,1 фоизга (378,8 минг бош), кўй ва эчкилар 101,9 фоизга (2361,4 минг бош) кўпайди ва паррандалар 92,7 фоизни (4455,7 минг бошни) ташкил қилди.





**2020 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Барча турдаги хўжаликларда	шу жумладан							
		фермер хўжаликларида		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда			
		минг бош	ўсии суръати, %да	минг бош	ўсии суръати, %да	минг бош	ўсии суръати, %да	минг бош	ўсии суръати, %да
Қорамоллар	974,0	101,2	44,7	104,2	917,8	101,1	11,5	101,8	
шу жумладан, сигирлар	378,8	100,1	16,2	97,6	359,9	100,3	2,7	96,4	
Кўй ва эчкилар	2361,4	101,9	392,5	104,9	1922,9	101,2	46,0	108,2	
Паррандалар	4455,7	92,7	250,8	22,8	2733,8	109,0	1471,1	122,4	



Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,2 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,6 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,0 ва 4,3 фоизни, кўй ва эчкилар 81,4 ва 16,6 фоизни, отлар 75,6 ва 22,9 фоизни, паррандалар 61,4 ва 5,6 фоизни ташкил этди.


2019 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари ва паррандалар бош сони (минг боши)



IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йилнинг январь-декабр ойларида Сурхондарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари хисобидан 12232,4 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 1,4 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 148,8 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.


**Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари
(2019 йил январь-декабрь)**



2019 йилнинг январь-декабрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 76,4 % и вилоятнинг олтига ҳудудида, жумладан, Термиз шаҳрида -12,2 %, Бойсун туманида - 40,9 %, Сариосиё туманида - 7,2 %, Жарқўргон туманида- 5,6 %, Термиз туманида - 5,6 % ва Денов туманида - 4,9 % ўзлаштирилди.

Қатор ҳудудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Бойсун туманида ўтган йилга нисбатан 8,2 марта (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 4998,2 млрд. сўм), Узун туманида – 147,3 % (240,4 млрд. сўм), Музрабод туманида – 141,9 % (346,2 млрд. сўм), Қизириқ туманида – 133,2 % (591,9 млрд. сўм), Денов туманида – 133,1 % (598,6 млрд. сўм), Шўрчи туманида –125,4 % (286,7 млрд. сўм), Термиз туманида –122,3 % (688,3 млрд. сўм), Ангор туманида – 115,4 % (325,9 млрд. сўм), ва Термиз шаҳрига – 110,9 % (1 494,1 млрд. сўм).

**Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар
(2019 йил январь-декабрь)**




2019 йилнинг январь-декабрида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Термиз шаҳрида – 10226,6 минг сўм (ёки 2018 йилга нисбатан 109,7%), мос равишда Бойсун туманида – 42143,4 минг сўм (8,6 марта), Термиз туманида – 6361,2 минг сўм (119,1 %), Музрабод туманида – 2474,8 минг сўм (139,0%), Қизириқ туманида – 3449,5 минг сўм (129,7 %), Денов туманида – 1574,9 минг сўм (130,1 %) ва Ангор туманида – 2487,8 минг сўм (112,7 %) қайд этилди.

**2019 йилнинг январь-декабрида асосий капиталга инвестицияларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши**


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	12 232,4	148,8	100,0
<i>ишу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар	1397,5	57,5	11,4
бюджет маблағлари	662,4	96,6	5,4
Давлат мақсадли жамғармалари	134,0	96,8	1,1
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидағи кредитлар	601,1	49,4	4,9
Марказлашмаган инвестициялар	10834,9	187,2	88,6
корхона маблағлари	1338,3	76,4	10,9
аҳоли маблағлари	1002,0	90,1	8,2
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	6956,5	1287,9	56,9
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1538,1	64,6	12,6

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий
капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да**

2018 йил январь-декабрь




2019 йил январь-декабрь



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2018 йилга нисбатан 57,5 % ёки 1 397,5 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 11,4 %и ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 18,2 % пунктга кам) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 10 834,9 млрд. сўм ёки 187,2 %ни ташкил этди.


Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



2018 йилнинг мос даври билан солиширгандан Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 9,9% пунктга пасайди.

Республика бюджети ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 662,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган
молиялаштириш манбалари**



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 56,9 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (12,6 %) ҳисобига тўғри келди

Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблаглари ҳисобидан амалга оширилган иирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:

Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиши инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арzon кўп қаватли турар жойлар қурилиши.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвести- циялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича: (жами нисбатан, %)				
		Республика бюджети	Давлат масҳади жамгаражмалари	Корхона ва ахоли маълази	Тиккорат банк кредитлари ва бонка карз майлазлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар
Сурхондарё вилояти	12232,4	5,4	1,1	19,1	12,6	61,8
Термиз ш.	1494,1	9,4	1,8	33,6	19,3	35,9
<i>туманлар:</i>						
Олтинсой	259,5	15,5	2,9	30,4	11,1	40,1
Ангор	325,9	7,6	1,7	22,2	46,2	22,3
Бойсун	4998,2	1,3	0,2	2,2	1,4	94,9
Денов	598,6	12,2	0,9	30,8	29,2	26,9
Жарқўргон	681,1	5,8	1,0	23,7	20,1	49,4
Қизириқ	591,9	5,1	1,7	46,5	30,3	16,4
Кумқўргон	319,0	13,8	3,2	29,4	27,6	26,0
Музработ	346,2	7,1	1,2	26,3	12,2	53,2
Сариосиё	877,3	2,7	2,2	26,0	8,5	60,6
Термиз	688,3	10,5	1,2	31,9	18,2	38,2
Узун	240,4	9,9	2,7	33,9	12,0	41,5
Шеробод	525,2	6,0	1,1	29,1	10,8	53,0
Шўрчи	286,7	10,7	2,1	31,5	32,8	22,9

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича
технологик таркиби
(2019 йил январь-декабр)**

	Жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	12232,4	1255,8	10976,6
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>			
Курилиш – монтаж ишлари	61,8	85,4	59,1
Машина, ускуна, инвентар	28,7	11,6	30,6
Бошқа харажатлар	9,5	3,0	10,3

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 61,8 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 28,7 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 9,5 % ни ташкил этди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар (2019 йил январь-декабр)**

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь-декабр 2018й.	Январь-декабр 2019й.
Асосий капиталга инвестициялар-жами	12232,4	100,0	100,0
<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2054,1	3,6	16,8
ТоФ - кон саноати	5023,3	24,4	41,1
Ишлаб чиқариш саноати	1471,3	13,6	12,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	222,8	1,5	1,8
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш	358,9	2,9	2,9
курилиш	259,0	3,0	2,1
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Термиз шаҳар (165 та ёки жамидаги улуши 47,1 %), Термиз (39 та ёки 11,1 %), Узун (29 та ёки 8,3 %) ва Ангор туманлари (17 та ёки 4,9 %) хиссаларига тўғри келади.

Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Олтинсой (5 та ёки 1,4 %), Бойсун (6 та ёки 1,7 %), Кумқўрғон (8 та ёки 2,3 %), Шеробод (8 та ёки 2,3 %) ва Шўрчи (10 та ёки 2,9 %) туманлари хиссаларига тўғри келади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотларни 2020 йил 1 январь ҳолатига кўрсак, энг кўп савдода 98 тани (28,0 %), саноатда 96 тани (27,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 88 тани (25,1 %), қурилишда 19 тани (5,4 %) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматда ва бошқа фаолият турларида 18 тадан (5,2 % дан) ташкил қилган.

Энг камлари эса ахборот ва алоқада 2 тани (0,6 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 4 тани (1,1 %), ташиб ва сақлашда 7 тани (2,0 %) ташкил қилган. Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги,

саноат, савдо ва бошқа фаолият турларига түғри келади. Шунингдек, энг кам улуш эса ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига түғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда




Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.

2019 йилнинг январь-декабрь ойида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналар сони 176 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 53 тага кўпайган.

Бунда, Афғонистон Ислом Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 125 та, Россия Федерацияси - 13 та, Тожикистон Республикаси - 8 та, Туркманистон Республикаси – 5 та, Қозогистон Республикаси, Туркия Республикаси, Хитой Республикаси, Хиндистон Республикаси – 4 тадан, Эрон Ислом Республикаси – 2 та ва бошқа давлатлар – 7 та.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидағи улуши, %



Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан савдо (58 та), саноат (45 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (41 та), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (12 та), қурилиш (8 та), ташиш ва сақлаш (2 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ахборот ва алоқада (1 тадан) ҳамда бошқа фаолият турларида (8 та) ҳиссасига тўғри келади.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, ўсиш динамикаси


	2018 йил январь-декабрь		2019 йил январь-декабрь	
	жами	Умумий сонига нисбатан, %	жами	Умумий сонига нисбатан, %
Жами:	123	100,0	176	100,0
Саноат	24	19,5	45	25,6
Савдо	29	23,6	58	33,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	46	37,4	41	23,3
Яшаш ва овқатланиш ўйича хизматлар	4	3,3	12	6,8
Ахборот ва алоқа	-	-	1	0,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	1	0,8	1	0,6
Қурилиш	9	7,3	8	4,5
Ташиш ва сақлаш	4	3,3	2	1,1
Бошқа турлари	6	4,8	8	4,5



Оилавий корхоналар сони


Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 466 тани ташкил этиб, улардан 1 445 таси ёки 98,6 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртacha 95,4 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 28,4 % ёки 410 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 28,2 % ёки 408 таси савдо, 25,7 % ёки 371 таси саноат, 10,7 % ёки 155 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,7 % ёки 24 таси қурилиш, 0,9 % ёки 13 таси ташиш ва сақлаш, 0,6 % ёки 8 таси ахборот ва алоқа, 0,3 % ёки 5 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 3,5 % ёки 51 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %



Иқтисодий фаолият кесимида кўрсак, энг кўпи яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳамда саноат, энг ками эса ахборот ва алоқа ва соғликни саклаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.


VIII. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмагандга унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2019 йил 1 январь ҳолатига вилоятда 19,2 мингга яқин фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 15,2 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,0 % га қўпайди.

**Хизматлар соҳасига тааллуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар
ва ташкилотлар сони, минг бирликда
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)
01.01.2020 йил ҳолатига**



Инновацион хизматларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада, 2019 йил январь-декабр ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 7469,2 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,5 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб
чиқариш**
(2019 йил январь-декабр ойлари учун)


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсии суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
Хизматлар – жами	7469,2	111,5	100,0
<i>шу жумладанасосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	350,5	109,9	4,7
молиявий хизматлар	1131,3	163,9	15,1
транспорт хизматлари	1133,3	101,9	15,2
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	1076,5	101,2	14,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	235,0	108,0	3,1
савдо хизматлари	3252,3	106,0	43,5
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	209,1	102,2	2,8
таълим соҳасидаги хизматлар	215,2	102,6	2,9
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	81,2	115,8	1,1
ижара хизматлари	180,6	106,3	2,4
компьютерлар вамаишийтоварларни таъмирлаш бўйича хизматлар	196,1	100,6	2,6
шахсий хизматлар	202,9	100,6	2,7
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	94,5	112,6	1,3
бошқа хизматлар	187,7	100,1	2,5

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида юқори ҳажм савдо хизматлари (3252,3 млрд. сўм), транспорт хизматлари (1133,3 млрд. сўм) ва молиявий хизматлар (1131,3 млрд. сўм) га тўғри келади.

Энг кичик ҳажм соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (81,2 млрд. сўм) меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (94,5 млрд. сўм), ижара хизматлар (180,6 млрд. сўм), бошқа хизматлар (187,7 млрд. сўм) ва компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш (196,1 млрд. сўм) га тўғри келади.

Хисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар - 163,9 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 115,8%, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовларва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 112,6 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари-109,9 % ва яшаш ва овқатланиш хизматлари- 108,0 % га эришилди.

Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, % (2019 йил январь-декабр ойлари учун)



Такқослаш учун, 2019 йил январь-декабр ойларида молиявий хизматлар ўсиш суръати – 163,9 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 115,8%, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги

хизматлар ўсиш суръати – 112,6 %, алоқа ва ахборотлаштириш ўсиш суръати – 109,9 % ни ташкил этган.

Хизматлар таркибида савдо хизматлари (43,5 %), транспорт хизматлари (15,2%), молиявий хизматлар (15,1 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (4,7 %) улуши устунлик қилган.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,1 %) меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,3 %), шунингдек кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (2,4 %)га тўғри келган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби

(2019 йил январь-декабр ойлари учун)



Хизматлар таркибида транспорт хизматлари – 15,2 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қиласи. Йилдан - йилга одамлар Интернет ва мобиъе телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масоғавий эркин фойдаланиш хуқуқи муҳим ўрин тутади.


Бугунги кунда вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш, АҚТ соҳасидаги инновацияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини ҳажмини оширишга таъсир кўрсатди.

2019 йил январь-декабрь ойларида вилоят бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 350,0 млрд. сўмга teng бўлди. 2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 109,9 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби,%

(2019 йил январь-декабрь ойлари учун)



■ АКТ соҳасидаги бошқа хизматлар □ Телекоммуникация хизматлари

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Натижада, 2019 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 1131,3 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўсиш 163,9 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш


(2019 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Жами			Aҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан %	Жами хизматлар ҳажсимида худудларнинг улуши, %	минг сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан %
Сурхандарё вилояти	7469,2	111,5	100,0	3044,0	115,6
Термиз шаҳар	3133,3	115,4	42,0	21446,5	114,1
<i>туманлар:</i>					
Ангор	201,1	107,4	2,7	1 535,4	104,9
Бойсун	159,0	107,0	2,1	1341,0	105,1
Денов	1265,7	111,0	16,9	3330,0	108,4
Жарқўрғон	290,8	107,6	3,9	1349,6	105,2
Қизириқ	278,3	108,7	3,7	1622,0	105,9
Қумқўрғон	263,6	108,4	3,5	1094,4	105,9
Музрабод	323,9	107,1	4,3	2315,6	104,9
Олтинсой	209,4	108,0	2,8	1201,6	105,5
Сариосиё	312,7	107,9	4,2	1532,1	105,6
Термиз	199,1	107,8	2,7	1 840,0	105,0
Узун	202,6	109,0	2,7	1175,1	106,6
Шеробод	350,3	110,4	4,7	1834,0	108,0
Шурчи	279,1	106,6	3,7	1355,4	104,1

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари миллий ва маҳаллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда вилоятнинг ҳар бир иқтисодий шаҳар ва туманларининг барча ресурсларидан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Худудлар орасида юқори ўсиш суръатлари Термиз шаҳри (114,1 %), Денов тумани (108,4 %), Шеробод тумани (108,0 %) ва Узун туманига (106,6 %) тўғри келади.


**Худудлар кесимида ишлаб чиқарилган
хизматларнинг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-декабрь ойлари учун)**



Энг паст ўсиш суръатлари Шўрчи (106,6 %), Бойсун (107,0 %), Музрабод (107,1 %) туманларида кузатилди.

2019 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2020,0 минг сўмни ташкил қилди. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 115,6 % ни ташкил этди.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2019 йил январь-декабрь ойлари учун)**



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Термиз шаҳрида - 21446,5 минг сўмга teng бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,1 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Кумкўргон (1094,4 минг сўм), Узун (1175,1 минг сўм), ва Олтинсой (1201,6 минг сўм) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини, етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ходиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни қондириш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.


IX. ТРАНСПОРТ

Давлатлар ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш аввало халқларни бирлаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва маданиятларни ўзаро бойитишнинг асосий воситаларидан бири эди. Қадим замонлардан оқ транспорт йўналишлари давлат даромадларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Вақт ўтиши билан транспорт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, шунингдек йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш кўзда тутилган.

Транспорт соҳасига вилоятда 732 та корхона ва ташкилот жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 111,9 фоизни ташкил қилди. 2018 йил январь-декабр ойларига нисбатан бу кўрсаткич 78 тага кўпайди.

Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг таққосланиши (фермер ва дебқон хўжаликларидан ташқари)



Юк ташиш. 2019 йил январь-декабрида барча транспорт турлари томонидан 67,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 994,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди ва 109,2 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича куйидагича ифодаланади

	<i>2019 йил январь-декабр</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
--	-----------------------------------	--

Ташилган юк, млн. тн	67,6	110,6
----------------------	------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	67,6	110,6
------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км	994,4	109,2
--------------------------	-------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	994,4	109,2
------------------------	-------	-------

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2018 йил январь-декабрга нисбатан 2,8 фоизга кўпайди ва 355,7 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 35,8 фоизни ташкил этди (2018 йил январь-декабрида 38,0 фоиз).

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси


	2019 йил январь-декабр	2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
--	---------------------------	--

Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	271,9	105,6
шу жумладан, автомобил транспортида	271,9	105,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	6089,9	103,5
шу жумладан, автомобил транспортида	6089,9	103,5

Йўловчи ташиш. 2019 йил январь-декабрида барча транспорт турлари томонидан 271,9 млн киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 3,5 фоизга бажарилиб 6089,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-декабрига нисбатан 1,8 фоизга кўпайди ва 4694,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 77,1 фоизни ташкил этди (2018 йил январь-декабрида 78,4 фоиз).


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади



X. ИСТЕММОЛ БОЗОРИ


Вилоят бўйича 2019 йилнинг январ-декабр ойларида чакана савдо товар айланмаси 10989,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,9 % га ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 1322,8 млрд. сўмни (ўсиш суръати 70,8 %), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 9666,7 млрд. сўмни (ўсиш суръати 4,8 %), шундан уюшмаган савдо товар айланмаси 1026,6 млрд. сўмни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 % га кўпайган) ташкил этди.

**Худудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажми
(млрд. сўм)**



2018 йилнинг шу даврига нисбатан вилоятнинг барча ҳудудларида чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари кузатилиб, нисбатан юқори ўсиш суръатлари Термиз шаҳрида (33,1 %), Термиз (7,5 %), Сариосиё (5,6 %), Денов (5,3 %), Бойсун (4,1 %), Қизириқ (4,0 %), Олтинсой (3,7 %) ва Шеробод (3,6 %) туманларида қайд этилди.


Чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари, (%)




Чакана савдо товар айланмаси таркибидан йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70,8 % га ўсади ва 1322,8 млрд. сүмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 12,0 % улушига түгри келади.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 9666,7 млрд. сүмни ташкил этиб, 2018 йилнинг январь-декабр ойларига нисбатан 4,8 % га ўсади, вилоят миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 88,0 % га teng келмоқда.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби, (%)



Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши, (%)




Таҳлилий натижаларга кўра, чакана савдо товар айланмасида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши бўйича Музработ (98,6 %), Узун (98,2 %), Денов (97,1 %) ва Шўрчи (96,1 %) туманлари етакчилик қилмоқда.

Чакана товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг улуши 12,0 % ни ташкил этиб, энг катта улуш Термиз шаҳрида (36,3 %), Термиз (16,8 %) ва Жарқўргон (5,8 %) туманларида кузатилган.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Термиз шаҳри (24,4 %), Денов (21,5 %), Шўрчи (8,6 %), Шеробод (5,3 %) ва Жарқўргон (5,2 %) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.


Туманлар кесимида жами чакана савдо товар айланмасининг улуши, фоизда



**Кичик тадбиркорлик ва йирик корхоналарнинг
чакана савдо товар айланмасидаги ҳажми**

	Йирик корхоналар (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да	Кичик тадбиркорлик (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да
Сурхондарё вилояти	1322,8	170,8	9666,7	104,8
Термиз ш	972,2	251,8	1707,0	105,0
Олтинсой	17,7	86,1	446,0	104,5
Ангор	19,5	84,0	439,2	104,4
Бойсун	23,3	100,9	423,2	104,3
Музработ	6,2	64,6	425,5	104,3
Денов	68,7	87,5	2291,7	105,9
Жарқўргон	33,3	90,7	538,5	104,4
Қумқўргон	22,2	85,0	434,6	104,8
Қизириқ	19,7	97,7	461,9	104,3
Сариосиё	26,1	112,5	422,6	105,2
Термиз т	43,1	122,8	213,8	104,9
Узун	7,3	46,5	393,8	104,6
Шеробод	29,0	86,2	554,3	104,7
Шўрчи	34,5	80,8	914,6	102,5

Худудларда кичик тадбиркорлик субъектларининг вилоят чакана савдо товар айланмасидаги улуши, (%)



2019 йил январ-декабр ойларида чакана савдо товар айланмаси вилоят бўйича аҳоли жон бошига 4227,4 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4 % га қўпайган. Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 2019 йилнинг январь-декабр ойларида ўтган йилга нисбатан вилоятимизнинг барча ҳудудларида ўсиш кўрсаткичларини ташкил этиб, энг юқори кўрсаткичлар Термиз шахри (18464,6 минг сўм), Денов (6282,8 минг сўм) ва Шўрчи туманлари (4666,2 минг сўм) ҳиссасига тўғри келади.

Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси

	Минг сўм	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да
Сурхондарё вилояти	4227,4	107,4
Термиз ш	18464,6	132,9
Олтинсой	2694,5	102,5
Ангор	3547,2	102,2
Бойсун	3793,6	100,7
Музработ	3119,3	102,3
Денов	6282,8	107,9
Жарқўрғон	2683,3	102,3
Қумқўрғон	1919,9	97,8
Қизириқ	2843,0	102,3
Сариосиё	2223,4	104,0
Термиз т	2407,1	105,5
Узун	2352,6	101,9
Шеробод	3089,5	100,5
Шўрчи	4666,2	99,7


Жумладан, 2019 йилнинг январ-декабр ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 1,9 % ни ташкил этиб, 211,3 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,4 % ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 88,7 % улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Улгуржи савдо товар айланмаси

Йил бошидан вилоят бўйича улгуржи савдо товар айланмаси 2439,9 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 % га камайди.

Улгуржи савдо товар айланмасида энг юқори ҳажм кичик тадбиркорлик субъектларига тўғри келиб, мазкур ҳажм 2019 йил январь-декабр ойлари якунларига кўра, 1566,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 % га ўсди. Ушбу секторнинг умумий улгуржи савдо айланмасидаги улуши эса 64,2 % ни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич бошқа туманлар билан таққослаганда, Бойсун (95,7 %), Термиз (94,0 %), Узун (92,8 %), Ангор (87,5 %), ва Шеробод (83,0 %) туманларида юқори бўлган.

Йирик ва кичик корхоналарнинг
улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, (%)




Улгуржи савдо айланмасининг таркибида йирик корхоналар айланмасининг улуши 35,8 % ни ташкил этди, йирик корхоналарнинг аксарияти Кумкўрон (72,1 %), Музработ (83,7 %) ва Жаркўрон (54,5 %) туманларида кузатилди.

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

	Жами (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да	Йирик корхоналар (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да	Кичик корхоналар (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да
Сурхондарё вилояти	2439,9	104,2	873,2	100,6	1566,7	106,4
Термиз ш	557,3	104,1	285,3	102,3	272,0	106,1
Олтинсой	135,9	100,6	47,3	92,0	88,6	105,9
Ангор	120,8	107,2	15,1	116,0	105,7	106,0
Бойсун	27,8	105,1	1,2	89,1	26,6	105,9
Музработ	90,1	111,4	75,4	112,6	14,7	105,7
Денов	335,3	100,9	104,6	89,1	230,7	107,4
Жарқўрғон	235,0	117,2	128,1	126,0	106,9	108,1
Қумқўрғон	85,1	99,4	61,3	96,9	23,8	106,4
Қизириқ	91,5	93,6	37,0	79,2	54,5	106,7
Сариосиё	150,4	134,2	42,7	349,7	107,7	107,9
Термиз т	225,2	90,3	13,6	28,0	211,6	105,3
Узун	110,4	97,9	8,0	51,4	102,4	105,4
Шеробод	213,0	111,3	36,2	144,3	176,8	106,3
Шўрчи	62,1	90,5	17,4	66,1	44,7	105,8

Худудлар кесимида улгуржи савдо товар айланмасининг ўтган йилга нисбатан ўзгариш суръатлари, (%)



Улгуржи товар айланмасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан энг қуий ўсиш суръати Термиз туманида (90,3 %) ва энг юқори ўсиш эса Сариосиё туманида (134,2 %) қайд этилган.

XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2019 йилнинг январь-декабрида ташқи савдо айланмаси 572,8 млн. АҚШ долларини, жумладан 240,6 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 332,2 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -91,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2019 йилнинг январь-декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ доллари)

	январь-декабрь		2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2018 й.	2019 й.	
Ташқи савдо айланмаси	589070,3	572718,7	97,5

шу жумладан:

МДҲ давлатлари	207366,5	144732,2	69,8
бошқа давлатлар	381703,8	427986,5	112,1
Экспорт	191744,8	240552,8	125,5


шу жумладан:

МДҲ давлатлари	97423,9	42687,9	43,8
бошқа давлатлар	94320,9	197864,9	2,1 м.
Импорт	397325,5	332165,9	83,6

шу жумладан:

МДҲ давлатлари	109942,6	102044,3	92,8
бошқа давлатлар	287382,9	230121,6	80,1


**2018-2019 йил январь-декабрида вилоят ташқи савдо айланмасида
МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши, %**



2019 йилнинг январь-декабрида вилоят экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидағи улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидағи ўзгариши, фоиз ҳисобида 2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2018 йил январь-декабр	2019 йил январь-декабр	
Экспорт таркиби	100,0	100,0	125,5
пахта толаси	0,4	0,2	53,5
озик-овқат маҳсулотлари	82,4	66,3	100,9
Кимевий маҳсулотлар	0,2	0,1	38,0
Энергия манбалари маҳсулотлари	2,0	-	1,9
Машина ва ускуналар	0,1	0,1	2,0 м.
Хизматлар	1,9	1,3	86,9
Бошқалар	13,0	32,0	3,1 м.
Импорт таркиби	100,0	100,0	83,6
озик-овқат маҳсулотлари кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	22,7	10,5	38,7
энергия манбалари маҳсулотлари	8,2	17,4	178,1
қора ва рангли металлар	0,3	0,2	45,1
машина ва ускуналар	3,0	8,0	2,2 м.
Бошқалар	51,8	47,1	76,0
	14,0	16,8	100,2

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
 (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




**2019 йилнинг январь-декабрида вилоят ташқи савдо айланмасида
 катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Хитой	31,1	2,1 м.
Покистон	11,7	168,3
Афғонистон	11,3	124,7
Россия	10,0	92,2
Қозоғистон	7,1	44,3
Туркия	5,6	96,5
Корея Республикаси	2,9	59,6
Тоҷикистон	2,9	72,8
Украина	2,5	94,4
Эрон Ислом Республикаси	2,3	101,9
Туркманистон	1,5	118,6
Латвия	1,4	22,5
Литва	1,2	85,4
Германия	1,1	42,0
Чехия Республикаси	1,1	5,6 м.
Беларус	1,1	189,6
Ҳиндистон	0,7	22,6
Австрия	0,6	4,9 м.
Грузия	0,5	15,4 м.
Болгария	0,4	4,1 м.
Испания	0,3	191,8
БАА	0,3	138,0
Франция	0,2	176,2
Ветнам	0,2	26,8
Озарбайжон	0,2	82,5
Руминия	0,2	128,0
Италия	0,2	7,7
Полша	0,1	14,6
Нидерландия	0,1	46,1
Швейцария	0,1	8,8
Кирғизистон	0,1	16,8
Венгрия	0,1	52,8
Гонконг	0,1	118,3

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ирек	0,1	183,6
Сингапур	0,1	5,8 м.
АҚШ	0,1	87,9
Бирлигий Қироллик	0,1	22,6
Бошқа давлатлар	0,4	18,9

2019 йил январь-декабрида МДХ ва бошқа хорижий давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби



Мева ва сабзавотлар


2019 йил январ-декабр ойларида мева ва сабзавот маҳсулотлари экспорти 132196,3 минг АҚШ долларни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 94,9 фоизни ташкил этди. Мева ва сабзавот маҳсулотлари жами экспортга нисбатан улуши 55,0 фоизни ташкил қилди.

Жами мева ва сабзавот маҳсулотлари экспортида мева ва резаворлар 8,7 фоизга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,2 фоиз) камайди, сабзавотлар - 86,5 фоизга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 152,6 фоизга) ошди, узум - 3,0 фоизга (26,9 фоизга) камайди. Ер ёнғоқ - 1,6 фоизни ташкил этиб (26,9 фоизга) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди.



Мева ва сабзавот экспортида асосий ҳамкорлар Покистон (умумий миқдори 40,4 фоизни), Афғонистон (умумий миқдори 31,3 фоизни), Қозогистон (10,6 фоизни), Россия (8,6 фоизни), Украина (2,6 фоизни), Хитой билан (2,1 фоизни) ва Тожикистон (1,3 фоизни) ташкил қилди.

Йирик ҳамкор давлатлар билан мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт



Тұқымачилик маҳсулотларини экспорти

2019 йил январ-декабр ойларида жами экспортда тұқымачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 73469,2 минг АҚШ долларини, улуши эса 30,9 фоизни ташкил қилди ёки үтган йил шу даврига нисбатан 3,1 марта ошди.

	Минг АҚШ доллар	Улуши, %	Үсиш суръатлари, %
Тұқымачилик шу жумладан:	73 469,2	100,0	3,1 м.
йигирилған ип, пахта	68 551,7	93,3	3,5 м.
пахта мато	2 710,1	3,7	130,5
ипак	1 847,5	2,5	84,3
Бошқалар	359,9	0,5	2,0 м.



ХII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2612,3 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 2629,3 минг кишига ёки 2,3 фоизга кўпайди. Шундан, 928,7 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 35,3%) ва 1700,6 минг киши – қишлоқ жойларида (64,7 %) ташкил этди.

Сурхондарё вилоятининг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони
(2020 йилнинг 1 январь ҳолатига минг киши)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг, ўсиши суръати, (ўтган йилга нисбатан)%да		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Вилоят бўйича	2629,3	928,7	1700,6	100	35,3	64,7
<i>шаҳарлар:</i>						
Термиз ш	147,2	147,2	0,0	100	100,0	0,0
<i>туманлар:</i>						
Олтинсой	176,4	70,2	106,2	100	39,8	60,2
Ангор	132,3	65,0	67,4	100	49,1	50,9
Бойсун	119,7	50,9	68,8	100	42,5	57,5
Музработ	141,4	52,1	89,3	100	36,8	63,2
Денов	384,6	136,8	247,8	100	35,6	64,4
Жарқўргон	217,9	44,5	173,3	100	20,4	79,6
Кумкўргон	244,0	85,3	158,7	100	35,0	65,0
Қизириқ	173,9	32,0	141,8	100	18,4	81,6
Сариосиё	206,3	41,3	165,0	100	20,0	80,0
Термиз т	109,7	30,6	79,1	100	27,9	72,1
Узун	174,3	40,8	133,5	100	23,4	76,6
Шеробод	193,2	58,3	134,9	100	30,2	69,8
Шўрчи	208,4	73,7	134,8	100	35,4	64,7

Худудлар кесимида 2020 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Денов туманида 384,6 минг кишини (вилоят аҳоли сонидаги улуси 14,6 %), Кумкўргон туманида 244,0 минг кишини (9,3 %), Жарқўргон туманида 217,9 минг кишини (8,3 %) аксинча энг кам аҳоли сони Термиз туманида 109,7 минг кишини (4,2 %) ташкил этди.

Худудлар кесимида доимий ахоли сонининг тақсимланиши
 (2020 йил 1 январь ҳолатига; вилоят жами аҳолисига нисбатан, % да)




Аҳолининг табиий ҳаракати 2019 йил январ-декабрь

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2018 й.	2019 й. ¹⁾	ўсиш, камайши	2018 й.	2019 й. ¹⁾
Туғилганлар	68 259	72 979	4 720	26,3	28,1
Ўлганлар	10 698	10 565	-133	4,0	4,1
<i>шу жумладан: бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан</i>	628	586	-42	9,2	8,4
Табиий ўсиш	57 561	62 414	4 853	22,3	24,0
Никоҳлар	26 830	27 679	849	10,6	10,6
Ажралишлар	1 885	1 889	4	0,7	0,7

¹⁾ дастлабки маълумот

Ахолининг табиий ҳаракати коэффициенти
2019 йил январ-декабрь ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)



2019 йил январь-декабрда тугилганлар сони 72979 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига 68259 киши) нисбатан 4720 тага қўпайди. Тугилиш коэффициенти мос равишда 28,1 промиллени ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврининг (26,3 промилле) нисбатига тенг бўлди.


Тугилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Олтинсой (26,8 дан 27,9 промиллега), Музработ (25,8 дан 26,7 промиллега), Қумқурғон (26,1 дан 29,1 промиллега), Узун (26,7 дан 27,9 промиллега), Шеробод (24,9 дан 26,7 промиллега), Сариосиё (25,5 дан 27,7 промиллега), туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2019 йил январь-декабрда ўлганлар сони 10565 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (10698) нисбатан 133 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,0 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-декабрида – 4,1 промилле).


Ўлим умумий сонидан 60,4 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан юзага келадиган ҳолатлардан, 5,1 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 7,7 фоизи-хавфли ўсма касалликларидан, 6,2 фоизи-баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,7 фоизи ҳазм қилиш органлари, 14,5 фоизи бошқа касалликлардан касалланганлиги сабабли вафот этган. Ўлганлар сонининг камайиши Музработ (4,2 дан 4,1 промиллега), Қумқурғон (3,9 дан 3,7 промиллега), Шўрчи (4,4 дан 4,2 промиллега) туманларида кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 59,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 14,5 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 17,7 фоизи - тұғма аномалиялардан касалланганлиги сабабли вафот этган.

2019 йил январь-декабрда ўлим бўйича қайд этилган касалликлар, %да



Шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг таркиби (2019 йил январ-декабрь ҳолатига, минг киши)




■ шаҳар аҳолиси

■ қишлоқ аҳолиси

Никоҳлар ва ажралишлар. 2019 йил январь-декабрь ФХДЁ органларида 27679 та никоҳлар ва 1889 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг ахолига нисбатан 10,6 та никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида – 10,6 та) ва 0,7 та ажралишлар (2018 йилнинг тегишли даврида - 0,7 та тўғри келади.

Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони (2019 йил январь-декабрь ойларида)

(минг кишига нисбатан промеллида)



Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-декабрда вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 10378 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 13427 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 3049 кишига (2018 йилнинг шу даврида - минус 1888 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Денов (минус 501, Сариосиё (минус 424), ва Жарқўргон (минус 366) туманларигаҳамда Термиз шаҳрида (минус 1350) кузатилди.



**2019 йил январь-декабрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари
(бирликда)**

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2018й.	2019й.	2018й.	2019й.	2018й.	2019й.
Вилоят бўйича	11 936	10 378	13 824	13 427	-1 888	-3 049
<i>шаҳарлар:</i>						
Термиз шаҳри	1132	791	2233	2141	-1101	-1350
<i>туманлар:</i>						
Олтинсой	642	606	659	645	-17	-39
Ангор	500	444	626	562	-126	-118
Бойсун	622	315	661	733	-39	-418
Музработ	619	631	810	769	-191	-138
Денов	1084	1060	1591	1561	-507	-501
Жарқўргон	731	599	1090	965	-359	-366
Қумқўргон	1114	921	936	918	178	3
Қизириқ	1609	1120	1318	1046	291	74
Сариосиё	587	492	789	916	-202	-424
Термиз тумани	1189	1217	704	637	485	580
Узун	555	662	793	931	-238	-269
Шеробод	810	785	716	740	94	45
Шўрчи	742	735	898	863	-156	-128

XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ХИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ


Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи² 2019 йил январь-декабрь ойларида Сурхондарё вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1874,7 минг сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 127,5 % га ўсади.

Сурхондарё вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(қишлоқ ҳўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари минг сўм)

	2018 йил	2019 йил	Ўсиш суръати, %
Сурхондарё вилояти	1470,8	1864,1	127,5
Термиз шаҳри	1848,1	2320,3	125,6
туманлар:			
Олтинсой	1175,2	1605,3	136,6
Ангор	1195,8	1609,8	134,6
Бойсун	1355,1	1782,6	131,5
Музработ	1280,4	1687,7	131,8
Денов	1255,9	1683,7	134,1
Жарқўрғон	1854,2	2102,6	113,4
Кумкўрғон	1483,5	1778,9	119,9
Қизириқ	1375,4	1783,3	129,7
Сариосиё	1523,0	1869,2	122,7
Термиз	1309,7	1738,0	132,7
Узун	1221,3	1613,5	132,1
Шеробод	1222,0	1541,6	126,2
Шўрчи	1211,7	1651,6	136,3

²Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ ҳўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

**Сурхондарё вилояти бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари минг сўм)**



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ
2019 ЙИЛ ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

Наширга масъул:

**Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
тел. (0-376) 223-07-18**

Буюртма рақами №_____ «___»____ 2020 й. Адади 4 нусха

**Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси
Термиз ш., И.Каримов кўчаси 62а-уй**